

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ Dsc.04/30.12.2019.Tib.30.03
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

АХМАДАЛИЕВА НИГОРА ОДИЛОВНА

**ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ
МЕҲНАТ ШАРОИТЛАРИНИ ЯХШИЛАШ ЙЎЛЛАРИ ВА
САЛОМАТЛИГИНИ САҚЛАШ**

14.00.07 – Гигиена

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ 2020

**Тиббиёт фанлари бўйича фан доктори (DSc) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации по
медицинским наукам**

Contents of the abstract of doctoral (DSc) dissertation on medical sciences

Ахмадалиева Нигора Одиловна

Олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчиларининг меҳнат
шароитларини яхшилаш йўллари ва саломатлигини
сақлаш..... 3

Ахмадалиева Нигора Одиловна

Пути оптимизации условий труда и охрана здоровья профессорско-
преподавательского состава вузов..... 29

Akhmadalieva Nigora Odilovna

Optimization labor and health care of professors-teachers staff of HEI..... 54

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 58

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ Dsc.04/30.12.2019.Tib.30.03
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

АХМАДАЛИЕВА НИГОРА ОДИЛОВНА

**ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ
МЕҲНАТ ШАРОИТЛАРИНИ ЯХШИЛАШ ЙЎЛЛАРИ ВА
САЛОМАТЛИГИНИ САҚЛАШ**

14.00.07 – Гигиена

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ 2020

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.2.DSc/Tib303 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгашнинг веб саҳифасида www.tma.uz ва «Ziyonet» Ахборот ва таълим порталида www.ziyonet.uz жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Саломова Феруза Ибодуллаевна**
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар: **Камилова Роза Толановна**
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Зарединов Дамир Арифович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Искандарова Шахноза Тулкиновна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Корё Университети (Жанубий Корея)**

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019. Tib.30.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2. Тел/факс: (99878) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru).

Диссертацияси билан Тошкент тиббиёт академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2 уй. Тел/факс: (+99878) 150-78-14).

Диссертация автореферати 2020 йил «___» _____ да тарқатилди.
(2020 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Г.И.Шайхова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.Ж.Эрматов,

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Р.Д.Усманов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, доцент

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳонда таълим тизимини интеграциянинг таъминлаш, нафақат таълим тизимини такомиллаштириш, балки моддий-техник базасини, шунингдек, таълим муассасалари профессор-ўқитувчилар таркиби ва сифатини яхшилаш бугунги кундаги долзарб муаммолардан биридир. Кўпинча **профессор – ўқитувчиларининг «...меҳнат фаолияти, уларнинг педагогик хусусиятлари, иқтисодий аҳамияти ва ижтимоий самарадорлигини ошириш нуктаи назаридан кўриб чиқилмоқда...»¹**. Ахборот технологиялари татбиқ этиш шароитига ўтиш шароитида олий таълимга қўйиладиган талабларнинг ўзгариши ва шунга мос равишда олий таълимнинг етакчи субъекти сифатида университет ўқитувчилар меҳнат фаолиятининг самарадорлигини ошириш, инновацион фаолиятни фаоллаштириш, ўз-ўзини ривожлантиришга интилишни ва университет ўқитувчилари томонидан янги ваколатларга эга бўлишни талаб қилади. Шу нуктаи назардан, кўплаб тадқиқотчилар «...илмий ва педагогик кадрлар тайёрлаш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, унда иш ҳақини ошириш, касбнинг нуфузини ошириш, ўқитувчи ишини баҳолашни такомиллаштириш, тизимни модернизация қилиш каби масалалар бўлиши мақсадга мувофиқдир...»². Профессор-ўқитувчиларининг соғлиғини сақлаш катта ижтимоий аҳамиятга эга бўлиб, бу аҳолининг ушбу катта гуруҳининг ҳаёт даражаси ва иқтисодий йўқотишларни, энг муҳими мамлакатни барқарор ривожлантириш учун зарур бўлажак мутахассисларни тайёрлашда уларнинг ишларининг самарадорлигини белгилайди.

Жаҳонда олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг меҳнат шароитларни яхшилаш йўллари ва саломатлигини сақлашга йўналтирилган қатор илмий–тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг ижтимоий тузилиши ва турмуш тарзини яхшилаш самарадорлигини ошириш ҳамда профессор-ўқитувчилар меҳнат жараёнининг таркибини гигиеник асослашдан иборат. Турли профилдаги олий таълим муассасаларида профессор-ўқитувчиларнинг иш шароитларини гигиеник баҳолаш, вақтинча меҳнатга қобилиятсизлиги тўғрисидаги материаллар бўйича профессор-ўқитувчилар таркибининг саломатлик ҳолатини баҳолашни тизимли тартибини асослаш механизмларини яратишдан иборат. Профессор-ўқитувчиларнинг организмнинг функционал ҳолати ва психологик муҳитини, чарчаш синдромини ва тиббий ёрдам ва профессор-ўқитувчиларнинг реабилитацияси сифатини такомиллаштириш тизимини ишлаб чиқишдан иборат. Олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилар соғлом муҳити ва юқори ишлаш қобилиятини шакллантирадиган хавф омилларини таҳлил қилиш,

¹Артюхов И.П., Горбач Н.А., Лисняк М.А. Сохранение здоровья профессорско-преподавательского состава вузов //Социология медицины. – 2017. - 16(1). - С.28-31

²Ахметшина Е.Р. Профессиональная идентичность преподавателя вуза в условиях реформирования системы в России известных высших учебных заведений. Поволжский регион //Общественные науки -2009 -№4 (12) –С. 80 -87

устувор омилларни аниқлаш ва профессор-ўқитувчилар соғлиғини сақлаш бўйича чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш бўйича гигиеник тавсияларни ишлаб чиқиш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз тиббиёт соҳасини ривожлантириш тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш, даврий равишда ақлий фаолият билан шуғулланадиган контингентларнинг саломатлик ҳолатини таъминлашга қаратилган қатор вазифалар юклатилган «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, касалликларни эрта ташхислаш ва даволашнинг юқори технологик усуллари жорий қилиш, патронаж хизматини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни олдини олиш...»³ каби вазифалари белгиланган. Ушбу вазифалар олий таълим муассасаларида етарли тарзда гигиеник шароитларни яратиш, профессор-ўқитувчиларнинг саломатлик ҳолатини мустахкамлаш имконини беради.

Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида»ги Қонуни (2015), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 7 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5590-сон Фармонлари ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий тадқиқотлар шарҳи⁴. Профессор-ўқитувчиларининг меҳнат шароитларни яхшилаш йўллари ва саломатлигини сақлашга йўналтирилган қатор илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан: University of Indonesia, University of West Java (Инданезия); University of Technology Dresden (Германия); University Zhangzhou (Хитой); University of Taiba (Саудия Арабистон); University Dublin (Ирландия); University of Montreal Quebec Canada (Канада); University Tamil Nadu India (Ҳиндистон); Universidad de Jaén Spain (Испания); University United Kingdom (Буюк Британия);

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

⁴ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: www.hi.is www.miuun.se www.bristol.ac.uk www.keele.ac.uk www.ujaen.es www.ucsc.edu www.umontreal.ca www.ucd.ie www.taibahu.edu.sa www.sysin.ru www.uefs.br www.toko.edu.tw tu-dresden.de www.ui.ac.id www.scemz.ru; www.universityofcalifornia.edu; www.vanderbilt.edu; www.rutgers.edu; www.ouhsc.edu; www.umich.edu; www.ucalgary.ca; www.en.tongji.edu.cn; www.cuhk.edu.hk; www.yamanashi.ac.jp; www.nymue.ym.edu.tw; www.ed.ac.uk; www.lunduniversity.lu.se; www.sdu.dk; www.upf.edu; www.uva.nl; www.osu.edu; www.sum.edu.pl; www.unina.it; www.en.uoa.gr; www.sydney.edu.au ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

University Bristol (Англия) University of Middle Sweden (Швецария); University Reykjavik Iceland (Исландия); Universidade Estadual de Feira de Santana (Бразилия), West Virginia University, University California (АҚШ); Silesian University of Technology, University Silesia (Польша); Тошкент тиббиёт академиясида олиб борилмоқда (Ўзбекистон).

Профессор-ўқитувчиларнинг меҳнат шароитларни яхшилаш йўллари ва саломатлигини сақлаш олиб борилган илмий тадқиқотлар асосида қатор натижалар олинган, жумладан: турли таълим шароитларнинг профессор-ўқитувчиларнинг саломатлик ҳолати ва касалланиш даражасининг иш шароити, юкламалар даражаси боғлиқлиги исботланган (Universidade Estadual de Feira de Santana (Бразилия); профессор-ўқитувчилар саломатлик ҳолатининг ўқитувчи-аёлларнинг таътилининг давридаги (LSFT) аёлларга нисбатан ишлаётган аёллар (WFT) руҳий статуси (МН) ва юрак-қон томир тизимидаги (CF) ўзгаришларининг тана вазни, ёғ қатламининг ҳажми, чекиш билан боғлиқлигининг илмий аҳамияти асосланган University of Technology Dresden (Германия); бошланғич синф ўқитувчиларнинг оғиз бўшлиғи санацияси даражасини билиш кўникмаларнинг шаклланишининг йиллар давомидаги иш стажига боғлиқлиги ва унинг ўқувчилар орасида стоматологик касалликларнинг тарқалиш даражасига таъсири даражасининг ўрни ва аҳамияти асосланган University of Taiba (Саудия Арабистони); профессор-ўқитувчиларининг иш шароити ва атмосфера ҳавосини таркиби ўзгариши билан боғлиқ асаб тизимининг касалликлари зўрашиши хавфи билан ўзаро боғлиқлик даражаси исботланган University Manitoba (Канада); хавф омилларининг таъсири ўқитувчиларнинг саломатлик ҳолатининг издан чиқишига, турли соматик касалликларнинг ривожланиши ва ногиронликка олиб келиши асосланган Erasmus University Rotterdam (Голландия), Universidade Federal do Rio Grande do Sul (Бразилия); мусиқа садолари кучланиш даражасининг ўқитувчиларнинг овоз бойламларига таъсири даражаси ва касалликнинг ривожланишига таъсири механизмлари аниқланган University of Middle Sweden (Швецария); профессор-ўқитувчиларининг меҳнат шароитларни яхшилаш йўллари ва саломатлигини сақлашнинг профилактик чора-тадбирлари ишлаб чиқилган Тошкент тиббиёт академияси (Ўзбекистон).

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тадқиқотчилар таъкидлаганидек, олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчиларининг касбий фаолияти педагогик, илмий, ўқув ва касбий ишларни бирлаштирган мураккаблилиги ва кўп қирралилиги билан ажралиб туради, бу эса профессор-ўқитувчиларнинг саломатлик кўрсаткичларига таъсир этмай қолмайди. Олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг саломатлик ҳолати кўп жиҳатдан мутахассислар тайёрлашда билим ва тажриба алмашиш имкониятини аниқлайди (Ахмерова С.Г., 2000; Измеров Н.Ф., 2002, Бойко В.В., 1999). Шу билан бирга, тадқиқотчилар таъкидлашларича, профессор-ўқитувчиларнинг соғлиқ кўрсаткичлари бошқа касб вакилларига қараганда анча паст (Ахмерова С.Г., 2000; Бойко В.В., 1999; Кудрина Э.А., Толмачев Д.А., 2011). Шу муносабат билан, айниқса,

таълимни ислоҳ қилиш ва ўқитувчилар меҳнат фаолияти натижаларига бўлган талабнинг кучайиши шароитида, профессор-ўқитувчилар соғлиғини ва унинг ҳолатини белгилловчи омилларни чуқур ўрганиш масалалари тобора долзарб бўлиб бормоқда (Золотарев Ю.В., Микерова М.С., 2006).

Мамлакатимиз тадқиқотчилари томонидан турли таълим муассасаларида тарбияланаётган болалар ва ўсмирларнинг саломатлик ҳолати ва овқатланишни гигиеник баҳолаш ва гигиеник регламентларни ишлаб чиқиш борасида қатор ишлар амалга оширилган (Т.И.Искандаров, 2009, 2018; Г.И.Шайхова, 2005, 2010, 2017, 2020; Л.А.Пономарева 2005, 2010, Д.А.Зарединов, 2019; Р.Т.Камилова, 2017, 2018; А.С.Худойбергандов, 2017; 2020; Ф.И.Саломова 2009; 2018; Н.Ж.Эрматов, 2016, 2019; Ф.Л.Азизова, 2016, 2018; Д.Ш.Алимухамедов, 2018; Б.Б.Рахимов, 2017), бироқ, олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг меҳнат шароитларни яхшилаш йўллари ва саломатлигини сақлаш илмий асослашга бағишланган тадқиқотлар олиб борилмаган.

Ўзбекистон Республикасида олий таълим соҳасида сезиларли ўзгаришлар рўй бераётганига қарамай, республикадаги олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг саломатлигини сақлаш ва яхшилаш муаммоси мамлакатимиз олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилар таркибининг мустаҳкамлигига қарамай, бошқа ижтимоий муаммолардан четда қолмоқда. Шу муносабат билан, ўтказилган тадқиқот нафақат ушбу аҳолининг саломатлигини сақлаш нуқтаи назаридан, балки замонавий олий таълим муассасаларида ўқув жараёнининг юқори самарадорлигини таъминлаш нуқтаи назаридан ҳам ижтимоий аҳамиятга эга дейишимиз мумкин.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Тошкент тиббиёт академиясининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №03–4974 «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига тиббий профилактик ёрдамни такомиллаштириш ва аҳоли саломатлиги учун хавфли омилларни бартараф этиш» (2014–2018 йиллар) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчиларининг меҳнат шароитларни яхшилаш ва саломатлигини сақлаш ҳамда заҳира салоҳиятини оширишга қаратилган чора-тадбирлар тизимини илмий асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчиларининг ижтимоий тузилиши ва турмуш тарзини баҳолаш;

профессор-ўқитувчилар меҳнат жараёнининг таркибини гигиеник баҳолаш;

турли профилдаги университетларда профессор-ўқитувчиларнинг иш шароитларини гигиеник баҳолаш;

профессор-ўқитувчиларнинг вақтинча меҳнатга қобилиятсизлиги тўғрисидаги материаллар бўйича ўқитувчилар таркибининг саломатлик ҳолатини баҳолаш;

организмнинг функционал ҳолатини ва профессор-ўқитувчиларнинг психологик ҳолатини ўрганиш, чарчаш синдромини аниқлаш ва баҳолаш;

тиббий хизмат ва профессор-ўқитувчиларнинг соғломлаштириш тадбирлари сифатини баҳолаш;

профессор-ўқитувчилар соғлиғини шакллантирадиган хавф омилларини таҳлил қилиш, устувор омилларни аниқлаш ва профессор-ўқитувчилар соғлиғини сақлаш бўйича чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2014-2018 йилларда Ўзбекистон Республикасининг учта энг йирик университети - Мирзо Улукбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети (ЎзМУ), Тошкент Тиббиёт Академияси ва Ислом Каримов номидаги Тошкент Давлат Техника Университети (ТДТУ) ва уларда фаолият олиб бораётган 729 нафар профессор-ўқитувчилари асосий гуруҳда, 150 нафар маъмурий-техник ходимлар назорат гуруҳига жалб қилинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида олий таълим муассасаларининг биноларидаги ўқув тарбиявий жараёнинг шарт-шароитлари, микроқилим кўрсаткичлари, радиацион омиллари, профессор-ўқитувчиларнинг саломатлик ҳолати, психоэмоционал зўриқишларнинг материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари: Тадқиқотда гигиеник, лаборатор ва инструментал, социологик ва статистик усулардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг замонавий ижтимоий тузилиш хусусиятлари жинси, ёши, иш тажрибаси бўйича, замонавий университет ўқитувчиси ишининг ҳажми белгиланган;

олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг ижтимоий ҳимоясизлиги, нотўғри овқатланиш, иш жойида овқатланиш учун шароит йўқлиги; ўқитувчилар таркибининг етарлича бандлиги, ёзги таътиллари ташкил этилмаганлиги; зарарли одатлар, чекиш, алкоголь ичимликларни суиистеъмол қилиш, соғлиғини сақлаш учун мотивациянинг йўқлиги аниқланган;

профессор-ўқитувчиларнинг нотўғри иш шароти ва кун тартибининг издан чиқиши натижасида турли соматик касалланганликлар, асаб рухий зўриқишлар, юрак-қон томир тизими касаликлари билан касалланиш даражасини субъектив баҳолаш тизими асосланган;

олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг иш муҳити омилларининг, яъни шовқин, микроқилим, ёритилганлик ва нурланиш даражасининг сифат ва миқдорий тавсифи, кўрсатилган меҳнат хусусиятлари 3-даражали зарарли ўта оғир иш ҳисобланиб, меҳнат интенсивлигини баҳолаш имкон бериши асосланган;

профессор-ўқитувчилар психологик ҳолати ва уларда ҳиссий чарчок синдромининг тарқалиш даражаси баҳоланган ва олий таълим муассасалари

профессор-ўқитувчилари билан олиб бориладиган соғломлаштириш ишларининг сифати очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикасидаги олий таълим муассасаларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатация қилишда фойдаланилган;

олий таълим муассасаларини меҳнат шароитларини оптималлаштириш, касалликларнинг олдини олиш ва Ўзбекистон олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг заҳира салоҳиятини ошириш бўйича услубий тавсияномалар ишлаб чиқилган;

олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг ҳиссий-эмоционал чарчашларини олдини олишни яхшилаш бўйича услубий тавсияномалар ишлаб чиқилган;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, ўқитувчилар сонининг етарлилиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган гигиеник, лаборатор ва инструментал, социологик, статистик усуллар асосида олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг меҳнат шароитларни яхшилаш йўллари ва саломатлигини сақлашнинг ўзига хослиги халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг меҳнат шароитларни яхшилаш йўллари ва саломатлигини сақлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Олий ўқув юртларини лойиҳалаштириш, қуриш, жиҳозлаш ва улардан фойдаланишда гигиеник талаблар» 0330-16-сон санитария меъёр ва қоидаси ишлаб чиқилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2016 йил 14 апрелдаги 6-21/33-4993-сонли хулосаси). Мазкур санитария меъёр ва қоида асосида олий ўқув юртларни лойиҳалаштириш, қуриш, шунингдек, ўқув, ўқув, илмий ва бошқа фаолияти учун мақбул шарт-шароитларни яратиш, ишнинг юқори самарадорлигини ва ўқитувчилар ва талабаларнинг саломатлик ҳолатини мустаҳкамлашда гигиеник шароит яратиш имконини берган.

«Ўзбекистон олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчиларининг заҳира салоҳиятини яхшилаш, касалликларнинг олдини олиш ва меҳнат шароитларини оптималлаштириш» услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 3 июнидаги 8н-д/212-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчиларининг заҳира салоҳиятини яхшилаш, ўқитувчилар орасида учрайдиган касалликларнинг олдини олиш ва меҳнат шароитларини оптималлаштиришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш имконини берган;

«Олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг ҳиссий чарчашининг олдини олиш чораларини такомиллаштириш» услубий

тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 3 июнидаги 8н-д/211-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома психо-эмоционал ҳолатларнинг ўзгаришининг олдини олиш, профессор-ўқитувчилар кунлик ва ҳафталик юкламаларни белгилаш, ўқитувчилар орасида учрайдиган касбий касалликларнинг олдини олиш ва меҳнат шароитларини оптималлаштиришга қаратилган гигиеник чора-тадбирларни ишлаб чиқиш имконини берган;

олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг меҳнат шароитларни яхшилаш йўллари ва саломатлигини сақлаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги санитария-эпидемиология назорати бўйича давлат инспекцияси, ОЎМТВда ТДТУ, ЎзМУ, ТГА ва уларнинг филиаллари амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 7 августдаги 8н-з/97-сон хулосаси). Олинган тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши олий таълим муассасаларининг асосий иш жойларида гигиеник меҳнат шароитларининг сифат ва миқдорий тавсифлари, меҳнат интенсивлигини олдини олишга қаратилган гигиеник чора-тадбирлар ишлаб чиқиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та илмий анжуманда муҳокома қилинган, жумладан, 2 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 26 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан, 6 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олти боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 155 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва аҳамияти, ушбу ишга талаб асослаб берилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, мазкур тадқиқотларнинг республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мос келиши кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва унинг амалий натижалари ўз ифодасини топган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Олий таълим муассасалари ўқитувчилари олий таълимнинг етакчи субъекти эканлиги**» деб номланган биринчи бобида

олий ўқув муассасалари профессор-ўқитувчиларининг касбий фаолиятига бағишланган маҳаллий ва хорижий илмий ишларнинг таҳлили, профессор-ўқитувчиларининг меҳнат фаолиятининг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти, иш шароитига қўйилган талаблар мазмуни ва уларни ўрганишга бағишланган. Юқори малакали ақлий фаолият синтези билан шуғулланадиган профессор-ўқитувчиларининг меҳнат фаолияти, иш шароитлари яхши тартибга солинмаганлиги, ўқитувчилар меҳнатини тартибга солувчи ҳужжатларда профессор-ўқитувчиларнинг саломатлик ҳолати деярли ҳисобга олинмаганлиги, уларининг саломатлик ҳолати таъсир қилувчи омиллар таъсирининг қирралари очиб берилган. Ушбу тадқиқот иши нафақат ушбу аҳолининг саломатлигини сақлаш нуқтаи назаридан, балки замонавий университетда ўқув жараёнининг юқори самарадорлигини таъминлаш нуқтаи назаридан ҳам ижтимоий аҳамият тақдим этилган, шунингдек, мазкур муаммонинг илмий жиҳатдан ҳал этилишининг муаллифлик ёндашуви ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг **«Олий таълим муассасалари ўқитувчиларининг меҳнат шароитларни яхшилаш йўллари баҳолаш материал ва усуллари»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқотнинг материал ва услублари, тадқиқотнинг умумий хусусиятлари тўғрисида маълумотлар батафсил баён қилинган. Тадқиқотнинг асосий мақсади - Ўзбекистон Республикасининг учта энг йирик университети - Ўзбекистон Республикаси Миллий университети (ЎзМУ), Тошкент давлат техника университети (ТДТУ) ва Тошкент тиббиёт академияси (ТТА) профессор-ўқитувчилар мисолида олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчиларни соғлиғини сақлаш бўйича чора-тадбирлар тизимининг асосланишини ҳисобга олган ҳолда, ўқитувчиларнинг саломатлик кўрсаткичларини шакллантирувчи омилларни аниқлаш ва гигиеник баҳо беришдан иборат. Профессор-ўқитувчиларнинг соғлиқни сақлаш кўрсаткичлари, масалан, вақтинчалик иш фаолиятини йўқотиши, ўз саломатлиги ва ўзини ҳис қилиш кўрсаткичларини субъектив баҳолаш, шунингдек, профессор-ўқитувчи меҳнат жараёнининг хусусиятларига таъсир кўрсатадиган энг муҳим кўрсаткич сифатида асаб-руҳий ҳолати ўрганилди.

Тадқиқотда ўрганилаётган профессор-ўқитувчиларнинг танлаб олинган мажмуаси қуйидагини ташкил этади: ЎзМУ-122, ТДТУ-173, ТТА-84 нафар яъни, умумий профессор-ўқитувчилар сонининг камида 10%ни ташкил этган (Сепетлиев Д., 1968). Мажмуанинг ҳақиқий ҳажми ҳисобланган кўрсаткичлардан бир оз фарқ қилди, аммо профессор-ўқитувчилар сонининг камида 10% (жами -729 нафар профессор-ўқитувчилар) ни ташкил этди.

Олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчиларининг тиббий ва ижтимоий хусусиятларини ўрганиш учун Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг минтақавий идораси томонидан тавсиянома этилган анкеталар ёрдамида социологик сўровнома ўтказилди.

Биз фойдаланган сўровномалар тўртта асосий қисмни: ўқитувчи ҳақида умумий маълумот, меҳнат шароитларининг хусусиятлари, саломатлик кўрсаткичларини баҳолаш, турмуш тарзи ва шароитининг хусусиятларини ўз

ичига олади. Бўлимларнинг ҳар бири 6 дан 23 гача саволларни ўз ичига олади, улар ўқитувчининг соғлиғи учун у ёки бу омилнинг аҳамиятини баҳолаш, профессор-ўқитувчиларининг замонавий таркибининг ижтимоий хусусиятлари тўғрисида умумий тасаввур ҳосил қилиш имконини беради.

Ўқитувчилар (ҳар бир олий ўқув юртларида 10-12 ўқитувчи) фаолиятининг таркиби ва мураккаблигини баҳолаш учун ўқитувчилар иш куни хронометражи тузилди ва кун давомида ўқитувчилар томонидан амалга оширилган ҳаракатларнинг тўғридан-тўғри хронометражига асосан белгиланди.

2017-2018 ўқув йилида профессор-ўқитувчиларнинг гигиеник меҳнат шaroитларини ўрганиш ва баҳолаш ишлари барча университетларда асосий иш жойларида - ўқув хоналарида, лабораторияларда ва ўқув хоналарида олиб борилди.

Гигиеник меҳнат шaroитларининг кўрсаткичлари сифатида қуйидагилар ўрганилди: йилнинг совуқ ва иссиқ даврларида микроклим кўрсаткичлари (ҳарорат, намлик, ҳаво тезлиги), табиий ёруғлик ҳолати (табиий ёритилганлик коэффициенти (ТЁК) нинг қиймати бўйича), иш жойларининг амалдаги ёритилиш даражаси, шовқин даражаси, электростатик майдоннинг қиймати, 1 м³ ҳаводаги аэроионлар сони, ўқув аудиторияларида ҳавонинг антропоген ифлосланиши даражаси (карбонат ангидрид концентрацияси бўйича), радиация шaroитлари (ионлантирувчи радиациясининг доза қуввати ва ёпиқ жойда ҳаводаги радоннинг миқдори).

Ушбу омиллар бўйича тадқиқот усуллари, асосан, ДСЭНМ, ТТА атроф муҳит гигиенаси кафедрасида қўлланиладиган, шунингдек ТТА ва Жанубий Кореянинг Корё университети билан ҳамкорликда Атроф муҳит гигиенаси кафедраси қошида ташкил қилинган илмий-тадқиқот лаборатория асбоб-ускуналаридан фойдаланган ҳолда олиб борилди.

Гигиеник омилларини ўрганиш натижаларини баҳолаш тегишли меъёрий ҳужжатлар талабларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилди: ЎЗР СанҚваМ № 0324-16 «Ишлаб чиқариш хоналари микроклимининг санитар-гигиеник нормативлари», СанҚваМ № 0325-16 «Иш жойларида шовқиннинг рухсат этилган даражалари санитария меъёрлари», ҚМҚ 2.01.05- 98 «Табиий ва сунъий ёритилганлик», «Меҳнат хавфсизлиги стандартлари тизими (МХСТ) ДАВСТИ -12.1.005-88 «Ишчи зоналари ҳавосига бўлган умумий санитария-гигиеник талаблари», СанҚваМ № 0335-16 «Иш жойларида электростатик майдоннинг рухсат этилган даражалари умумий санитария гигиеник талаблари», СанҚваМ № 193-06 «Радиацион хавфсизлик нормалари (РХН-2006) ва Радиацион хавфсизликни таъминлашнинг асосий санитария (РХТАСҚ-2006) қоидалари».

Профессор-ўқитувчилар меҳнатининг зарарлилик даражаси СанҚваМ 0141-03-га мувофиқ «Меҳнат шaroитларини меҳнат муҳити омилларининг зарарли ва хавфли кўрсаткичлари, меҳнат жараёнининг оғирлиги ва интенсивлиги кўрсаткичлари бўйича гигиеник таснифи»га мувофиқ баҳоланди. Профессор-ўқитувчиларнинг меҳнат интенсивлиги СанҚваМ

0325-16га мувофиқ тўғридан-тўғри хронометраж маълумотларини ҳисобга олган ҳолда баҳоланди.

ЮҚТ ва МАТнинг функциялари баҳоси иш кунининг бошида ва охирида ўтказилди. ЮҚТ ҳолати юрак уриш тезлиги ва қон босими, марказий асаб тизими томонидан - Анфимов тести (Комарова И.А., Мельников И.Ю., 2012) ёрдамида баҳоланди. Ушбу муаллифларнинг тавсияномаларига мувофиқ, марказий асаб тизимининг функционал ҳолатини баҳолашда иккита кўрсаткич ҳисобга олинди - вазифанинг аниқлиги коэффициенти ва ақлий самарадорлик коэффициенти.

Профессор-ўқитувчиларнинг психологик ҳолатини баҳолаш ҳиссий (эмоционал) чарчаш синдромининг частотасини аниқлаш ва ҳисобга олишга асосланади.

Биз 300 нафар ўқитувчида (ҳар бир университетда 100 киши) ва назорат гуруҳида 50 нафар кишида ҳиссий (эмоционал) чарчашнинг мавжудлиги ва табиатини ўргандик. Америкалик тадқиқотчилар К. Маслач ва С. Жексон (Бойко В.В., 1999, 2000, Скугаревская М.М. 2003) томонидан тавсия этилган МБИ сўровномаси (Maslach Burnout Inventory) бўйича ҳиссий чарчаш ҳолати (ХЧ) аниқланди, унда ўқитувчиларнинг иши билан боғлиқ бўлган ҳис-туйғулар ва ҳиссий ҳолатлари ҳақида 22 та маълумотни ўз ичига олди.

Тест синовлари ХЧнинг учта кўрсаткичини тавсифловчи 22 саволга турли хил жавобларни танлашдан иборат: эмоционал чарчаш, деперсонализация ва шахсий ютуқлар редуцияси. Тадқиқот натижаларини баҳолаш 1-жадвалга мувофиқ амалга оширилди:

1-жадвал

Ҳиссий чарчаш кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Ҳиссий чарчаш даражаси, баллар		
	Паст	Ўрта	Юқори
Ҳиссий чарчаш	0-16 балл	17-27	27 ва кўп
Деперсонализация	0-6 балл	7-12	13 ва кўп
Шахсий ютуқлар редуцияси	39 ва кўп балл	38-32	31-0

Ҳиссий чарчаш кўрсаткичларининг частотаси ва аҳамияти баллар бўйича ҳамда, олий таълим муассасининг маъмурий ва техник ходимларининг (назорат гуруҳи) психо-эмоционал ҳолати кўрсаткичлари билан таққослаш орқали ҳам баҳоланди.

Ўрганилаётган гуруҳларнинг барча олий таълим муассасаларида текширувлар 2015-2016 ва 2016-2017 ўқув йилида ўтказилди. ТТА ўқитувчиларининг алоҳида гуруҳи ўқув йилининг бошида ва охирида синовдан ўтказилди.

Биз ҳар уч олий таълим муассасининг профессор-ўқитувчиларининг вақтинча меҳнатга лаёқатсизлиги (ВМЛ) билан касалланиш даражасини 2014-2018 йилларда ретроспектив баҳолашни ўтказдик.

Ўқитувчиларнинг вақтинча меҳнатга лаёқатсизлигини (ВМЛ) ўрганиш пайтида ҳар бир олий таълим муассасининг барча ўқитувчилари кузатув объектлари қаторига киритилди. ВМЛ даражаси ва йилига 100 ходимга меҳнатга лаёқатсизлик кунлари сонини баҳолаш ВМЛ Э.Л.Ноткин кўрсаткичлари бўйича амалга оширилди (1979) (2-жадвалга қаранг):

2-жадвал

**Вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлиги кўрсаткичлари шкаласи
(Е.Л.Ноткин, 1979)**

Даража	100 ишчига касалланиш кўрсаткичи	Ишга лаёқатсиз кунлар бир йилда 100 ишчи сонига
Жуда паст	50 дан кам	500 дан кам
Паст	50-59	500-599
Ўртадан паст	60-79	600-799
Ўрта	80-99	800-999
Ўртадан юқори	100-119	1000-1199
Юқори	120-149	1200-1499
Жуда юқори	150 ва юқори	1500 ва юқори

Профессор-ўқитувчилар ВМЛ кўрсаткичлари, шунингдек, ўша даврда олий таълим муассасаларининг маъмурий ва техник ходимларининг касал бўлиб қолиш ҳолати тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланган назорат гуруҳининг ўхшаш кўрсаткичлари билан таққосланди.

ВМЛ кўрсаткичларини ишлаб чиқиш беш йиллик давр учун расмий рўйхатдан ўтган меҳнатга лаёқатсизлик варақалари асосида амалга оширилди (2014-2018 йй.). Профессор-ўқитувчиларнинг саломатлик ҳолати ва касалланиш даражаси ҳалқаро касалликлар таснифи ХКТ-10 классификацияси асосида амалга оширилди.

Тадқиқот натижаларини статистик қайта ишлашда «Statistica for Windows 7,0» персонал компьютерининг амалий дастур пакетидан фойдаланилган ҳолда амалга оширилди.

Диссертациянинг «Ўзбекистондаги замонавий олий таълим муассасалари ўқитувчиларининг ижтимоий портрети ва турмуш тарзи» деб номланган учинчи бобида турли олий таълим муассасаларда профессор-ўқитувчиларнинг ижтимоий таркиби тўғрисида маълумотлар берилган. Замонавий олий таълим муассасалари ўқитувчисининг ижтимоий «портрети» да баъзи умумий хусусиятларни ажратиш мумкин: - ўрганилаётган олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилар таркибида аёллар кўпроқ (техник йўналишдаги университетлар бундан мустасно); ўқитувчиларнинг ўртача ёши 44±2,4 ёшни ташкил этади; профессор-ўқитувчиларнинг 36 дан 53% гача олий таълим муассасаларда илмий унвонга эга ва 37 дан 57% ўқитувчиларнинг илмий даражалари йўқ; кўпчилик

профессор-ўқитувчилари 5 йилдан кўпроқ вақт дарс беришади, аммо 10-20 йил иш стажига эга бўлган ўқитувчилар кўпчиликни ташкил қилади; маълум бир лавозимда 5 йилгача иш стажига эга бўлган шахслар устунлик қилади; бу шундан далолат берадики, сўнгги йилларда ёш ўқитувчиларни юқори лавозимларга кўтариш орқали олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилар таркиби фаол равишда ёшартирилди; ўқитувчиларнинг кўпчилиги оилали, 2-3 ва ундан ортиқ фарзандли.

Маълумки, ижтимоий ва яшаш шароити ва инсоннинг турмуш тарзининг соғлиғини белгиловчи энг муҳим омиллардир. Шу муносабат билан сўровномада ушбу омилларнинг ўрганилаётган аҳоли саломатлиги учун аҳамиятини баҳолашга катта эътибор берилди (3-жадвалга қаранг).

3-жадвал

Ўқитувчиларнинг ижтимоий шароити ва турмуш тарзининг қиёсий тавсифи, сўровнома ўтказилганларнинг % фоиз кўрсаткичида

Кўрсаткичлар гуруҳи	Текширилган омиллар	ТТА, n=219	НУУз, n=100	ТГТУ, n =110
Яшаш шароити:	шахсий уй	21,0±2,7	18,0±3,8	20,0±4,0
	шахсий хонадон	63,0±3,3	69,0±4,6	67,0±4,5
	ижара хонадони	16,0±2,5	13,0±2,4	13,0±3,2
Оиладаги психологик муҳит:	яхши	96,3±1,3	97,1±1,7	98,0±1,3
	муаммолар бор	3,7±1,3	2,9±1,7	2,0±1,3
Оиланинг даромад манбаи:	ОТМ да иш-фаолият	57,1±3,3	62,0±4,8	73,0±4,2
	қўшимча иш	49,9±3,2	48,0±4,8	42,0±4,7
Ижтимоий хавфсизлик хисси мавжудлиги	бор	39,4±3,3	30,0±4,6	48,0±4,8
	йўқ	61,6±3,3	70,0±4,6	52,0±4,8
овқатланишини субъектив баҳолаш				
Кунлик овқатланиш сони	3 ва ундан кўпроқ марта	92,3±1,8	82,0±3,8	86,0±3,6
	3 мартадан кам	7,7±1,7	18,0±2,9	14,0±3,4
Овқатланишнинг рационга боғлиқлиги	рационал	40,2±3,3	48,0±4,8	44,0±4,7
	норационал	29,8±3,1	39,0±4,9	41,0±4,6
	аниқлашни имкони бўлмади	30,1±3,1	13,0±3,4	15,0±3,3
Асосий овқатланиш жойи	уйда овқатланиш	54,3±3,4	29,9±4,6	58,0±4,7
	ошхона ёки кафедра овқатланиш	17,8±2,6	18,1±3,8	34,0±4,5
	белгиланмаган жойларда	27,9±3,0	52,0±5,0	8,0±2,5
Ишда овқатланиш учун шароит борлиги	бор	32,9±3,2	47,0±4,8	24,0±3,3
	йўқ	67,1±3,3	53,0±5,0	76,0±3,3

Ноҳуш овқатларни маъкул кўриши	ёғли овқат	26,0±3,0	48,0±5,0	28,0±4,3
	аччиқ овқат	16,0±2,5	33,0±4,6	17,0±3,4
	тузли овқат	21,0±2,8	26,0±4,5	18,0±3,4
дам олишни ташкил этилганлиги ва шароити				
Уйқу давомийлиги	кунига 6 соатдан кам	28,8±3,0	21,0±4,1	17,0±3,6
	8 соат ва ундан кўп	71,2±3,1	79,0±4,1	83,0±3,6
Ёзги таътилни ўтказиши	уй ёки дала-ҳовлида	78,5±2,8	56,0±5,6	51,0±5,0
	ишда	0	24,0±4,3	26,0±4,2
	дам олиш сигатгоҳлари	15,5±2,4	18,0±3,8	20,0±3,8
	саёҳатда	11,0±2,1	2,0±1,4	3,0±1,6
Жисмоний активлик	актив дам олиш учун имконият борлиги	0	57,0±5,0	44,0±4,7
	эрталабки бадантарбия билан шуғулланиш	45,7±3,4	48,0±5,0	57,0±4,7
	спорт билан шуғулланиш	37,9±3,3	32,0±4,7	36,0±4,6
Зарарли одатларнинг борлиги	чекиш	8,7±1,9	33,0±4,7	28,0±4,3
	тез-тез алкоголь маҳсулотлари истеъмол қилиши	10,6±2,1	29,0±4,5	32,0±4,4
	наркотик (спайс) воситаларини қабул қилиши	0	1,0	0

Шартларни субъектив баҳолаш ва уларнинг ишидан қониқиш бўйича профессор-ўқитувчиларнинг натижаларига кўра иккита умумий ҳолатни ажратиб кўрсатишимиз мумкин: сўралган ўқитувчиларнинг кўпчилиги учун университетда ишлаш уларга қониқиш олиб келади, аммо барча университетларда бу туйғуни камайтирадиган ва тегишли тузатишни талаб қиладиган омиллар мавжуд.

Диссертациянинг «**Турли йўналишдаги олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг меҳнат шароитларини гигиеник хусусиятлари**» деб номланган тўртинчи бобида замонавий ўқитувчи фаолиятининг мазмунини ўрганишга бағишланган. Ўрганилаётган ҳар бир олий таълим муассасасида ўқитувчи иш кунининг тўғридан-тўғри хронометражи тузилди, бу эса таълим муассаса ўқитувчисининг фаолияти ҳозирги кунда жуда кенг қамровли ва мураккаблиги билан тавсифланганлигини кўрсатди.

Ушбу ишларнинг барча турларини бажариш учун ўқитувчи 95,0% вақтни сарфлайди, бу амалда ўқитувчининг расмий равишда белгиланган иш вақтидан 2 соат кўпроқ, кунига ўртача 8,0±0,2 соатни ташкил этади. Шу билан бирга, ўқитувчининг 8 соатлик ҳақиқий иш вақтидан 5,8 соат академик иш билан боғлиқ. Ҳар бир семестрнинг 18 ҳафталик давомийлиги ва 6 кунлик иш ҳафтаси билан ўқиш вақти йилига 1250 соатни ташкил этади. Яъни,

Ўқитувчининг қолган кўп қиррали фаолиятини бажариш учун йилига 250 соатдан кам вақт қолмоқда. Шу билан бирга, кафедраларда штат таркибини шакллантириш фақат муайян иш турларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади (маърузалар, амалий машғулотлар, семинарлар ва маслаҳатлар бериш ва назорат ишларни текшириш учун минимал вақт ажратилган). Таъкидлаш жоизки, жадвалга қатъий мувофиқлаштириладиган дарслардан ташқари, ўқитувчининг бошқа иш турлари ҳам зарурат туғилганда ёки ўқитувчининг вақтинча қобилиятини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Шундай қилиб, ўқитувчи белгиланган иш вақтидан ташқарига чиқишга мажбур бўлади, бу ўқитувчининг юқори психологик стрессининг энг муҳим омилларидан биридир.

Асабий юкни баҳолашда ўқитувчининг иши юқори зўриқиш билан тавсифланади, бу дарс жадвалининг мажбурий бажарилиши ва бошқа иш турларига вақт етишмаслиги, иш натижалари учун жавобгарликнинг кучайиши, визуал функцияларнинг узайиши, катта оператив хотира кераклиги (кўплаб ўзгарувчан элементларнинг тўпламини бир соат ва иш куни давомида эслаб қолиш), ижодий ишларни бажариш билан боғлиқ турли хилма-хил талабалар билан ишлаш юқори интеллектуал зўриқишга олиб келади. Профессор-ўқитувчиларнинг кўрсатилган меҳнат хусусиятлари 3-даражали зарарли (ўта оғир) иш (СанҚваМ 0141-03) каби меҳнат интенсивлигини аниқлашга имкон беради.

Асосий иш жойларида-ўқув аудиториялари, лабораторияларда энг муҳим гигиеник омилларнинг (микроклим, шовқин, электр майдонларининг интенсивлиги, ионлантирувчи нурланишнинг дозаси, ёрулик даражаси, ёпик ҳавонинг кимёвий тозаллиги) табиати ва аҳамиятини баҳоладик.

Совуқ мавсумда барча синф хоналарида ўқув машғулотининг бошида ҳаво ҳарорати СанҚваМ 0324-16 бўйича оптимал кўрсаткичлардан 4-5⁰С га паст бўлганлиги аниқланди. Иссиқ мавсумда ўлчаган нуқталардаги ҳарорат ва намлик мақбул қийматга эга эди, аммо барча хоналарда ҳаво тезлиги тавсиянома этилган қийматлардан 1,5-2 баравар паст эди, бу терморегуляция функциясининг бузилишига сабаб бўлиши мумкин ва ўқитувчиларнинг юқори даражадаги ҳиссий стрессларини янаям кучайтириши мумкин.

Кўпгина олий ўқув юрти профессор-ўқитувчиларининг фаолияти кўриш органларининг узок муддатли юқори зўриқишига олиб келади. ЎзМУ ва ТДТУда, ушбу университетлар учун махсус ишлаб чиқилган индивидуал лойиҳалар бўйича қурилган бўлганлиги сабабли ёритилганлик даражаси энг яхши параметрларда аниқланди - ТЁК қиймати ва ушбу олийгоҳлардаги ўқув аудиторияларини аралаш ёритилганлик даражаси асосан гигиеник меъёрларга мос келади, аммо 32% ҳолларда сунъий ёритилганлик даражаси гигиеник талабларидан 60-70 люкс га кам, бу асосан носоз лампалар мавжудлиги билан боғлиқ.

ТТАда ёритилганлик даражаси бўйича текширишлар 1 ва 2-ўқув биноларида жойлашган ўқув аудиторияларида ўтказилди, улар эски ётоқхоналарнинг ўқув аудиторияларига мослаштирилган бинолар бўлиб, ушбу хоналарда ТЁК қиймати одатдагидан 25% пастроқдир, шунинг учун

ушбу биноларда сунъий ёритиш кенг қўлланилади: Сунъий ёритиш бўлмаса, ёруғлик даражаси 90-120 люксни ташкил этади, бу ҳам ўқитувчилар, ҳам талабалар ишини сезиларли даражада қийинлаштиради.

Таълим муассасаларида биноларда шовқин даражаси асосан жуда фаол ёшларнинг мавжудлиги билан изоҳланади, уларнинг ўзаро алоқалари, айниқса танаффуслар пайтида, хоналарда шовқин фонини яратади, бу шовқинни интервалли, кенг спектрли шовқин сифатида тавсифланиши мумкин. Ўқув аудиториялари ва ўқув аудиторияларидан ташқарида шовқиннинг умумий даражаси $50,5 \pm 8,4$ дБА, танаффус пайтида – $60,5 \pm 7,4$ дБА ни ташкил этди ва бу гигиеник талабларига жавоб беради. Шу билан бирга, Тошкент тиббиёт академиясининг 1 ва 2 ўқув биноларида деразалари автомобил йўлига қараб жойлашган хоналарда шовқин даражаси маълум вақт оралиғида 85-87 дБА га етади, бу гигиеник меъёрларнинг белгиланган даражасидан 12-27 дБА га ошади.

Ўқув аудиторияларда ҳаво таркиби текширилганда, биз бирон бир сунъий кимёвий моддаларни аниқламадик, бизнинг фикримизча, ушбу даврда фақат кўрғазмали кимёвий тадқиқотлар ўтказилган. Шу билан бирга, ўқув аудиторияларда биз доимо антропоген келиб чиқадиган кимёвий таркибий қисмларни - карбонат ангидрид ва аммиакни борлигини аниқладик. Ҳавонинг антропоген ифлосланишини кўрсатувчи CO_2 концентрацияси 0,1% дан ошиши турар жой ва жамоат бинолари ҳавосини ифлосланишидан далолат беради. Бизнинг маълумотларга кўра, ўқув аудиторияларида карбонат ангидриднинг меъёрдаги бундай концентрацияси дарслар бошланишидан олдин қисман кузатилди. Машғулотнинг ҳамда куннинг охирига келиб деярли барча аудиторияларда CO_2 концентрациясининг ортиши (0,24% гача) аниқланди, бу эса хоналарни етарлича шамоллатилмаганлигидир.

Ўқув аудиторияларининг яхши шамоллатилмаслиги, ушбу хоналарнинг ҳавосидаги радон концентрациясини ўлчаш натижалари билан тасдиқланди, бунда радоннинг концентрацияси хонанинг жойлашган қаватига қараб 30 дан 44 Бк/м³ гача ўзгарган, гарчи радон концентрациясининг мутлақ кўрсаткичлари мамлакат ўртача даражасига яқин бўлса ҳам ($30,8 \pm 3,5$ Бк/м³).

Олий таълим муассасаларида ўлчанган гамма фон 16-22мкР/соатни ташкил этди, бу эса ўрганилаётган олий таълим муассасалари ўқув биноларидаги гамма фон меъёрий қийматига эга эканлигидан далолат беради. Фақат ТТА бўлимларидан бирида (собик Умумий ва радиацион гигиена кафедраси) радиацион гигиена дарслари давомида, намунавий нурланиш манбаларини намойиш қилиш пайтида, соатига 42 мкР/с гача бўлган нурланиш дозаси бевосита ўқитувчининг қўллари ёнида қайд этилди. Компьютер лабораторияларида ташқи нурланиш аниқланмади, бунда ташқи нурланиш дозаси $23,5 \pm 2,8$ мкР/с ни ташкил қилди.


Диссертациянинг «**Олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчиларининг саломатлик ҳолатини**» деб номланган бешинчи бобида 2014-2018 йилларда университетларда профессор-ўқитувчиларнинг ВМЛ билан касалланишига оид материаллар ҳамда бир гуруҳ ўқитувчиларнинг тиббий кўриги

натижаларини тавсифлаш материаллари ўрганилди. Биз ҳар бир университетда касалланишни икки гуруҳда: 1 гуруҳ – асосий, профессор-ўқитувчилар; 2 гуруҳ - таққослаш гуруҳи (назорат) - маъмурий ва техник ходимлар ВМЛ варақаси ёрдамида ўрганилди.

Вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлиги бўлган профессор-ўқитувчиларининг касалликка чалиниши уларнинг соғлиғининг умумий ҳолатини қисман тавсифлайди, аммо унинг таҳлили ушбу касалликнинг динамикаси ва табиати, меҳнат йўқотишларининг кўлами, ушбу кўрсаткичлар учун ёш ва хизмат муддатининг аҳамиятини баҳолашга имкон беради.

Тадқиқотнинг ушбу босқичида ўрганилган барча олий ўқув юртларида Ноткин Э.Л. (1979) таснифига кўра иккала ўрганилган гуруҳлардаги касаллик даражаси паст бўлган: асосий гуруҳларда 100 ходимга 6,9 дан 26,4 гача бўлган ва таққослаш гуруҳларида - ҳар 100 ишчига 9,7 дан 22,4 гача, яъни ҳар йили таққослаш гуруҳларида касаллик даражаси асосий гуруҳларга қараганда бир оз юқори бўлгани аниқланди.

Тегишли жинсдаги ҳар 100 ишчига аёлларнинг касалланиш даражаси эркекларга нисбатан 1,4-2,6 барабар юқори эканлиги аниқланди. Масалан, 1-расмда ТДТУ профессор-ўқитувчиларининг ВМЛ бўйича касалланиш динамикаси берилган.



1-расм. ТДТУ эркек ва аёл ўқитувчиларининг тегишли жинсдаги 100 ишчига тўғри келадиган ВМЛ билан касалланиш даражаси динамикаси (2014-2018 йй.)

Текшириш гуруҳларида олиб борилган тадқиқотларимиздаги касалликлар тузилишида муҳимлиги бўйича биринчи ўринларни нафас олиш касалликлари, қон айланиш тизими касалликлари, травма, ошқозон-ичак тракти касалликлари, генитоурия тизими касалликлари эгаллади. Биринчи гуруҳдаги асосий гуруҳларда-қон айланиш тизимининг касалликлари (41,3% гача), иккинчи ўринда-нафас олиш тизими касалликлари (35,3% гача), учинчида-суяклар, бўғинлар, мушаклар ва бириктирувчи тўқима


касалликлари (6,1% гача), тўртинчида-асаб тизимининг касалликлари (5,2% гача), бешинчида - шикастланишлар (5,1% гача). Ўрганилаётган гуруҳнинг ВМЛ касалликлари таркиби ўқитувчилар таркибининг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқлиги аниқланди. Рўйхатга олинган касалликларнинг энг муҳим гуруҳи-қон айланиш тизимининг касалликлари-эркакларда ҳам, аёлларда ҳам гипертония (барча касалликларнинг 11,4% гача), юрак томирлари касалликлари (касалликларнинг 8,9% гача), миянинг ўткир касалликлари каби патологиялар мавжуд. Қон айланиш тизими (касалликларнинг 8,1% гача), яъни профессор-ўқитувчилар учун юқори ҳиссий стрессли характерга эга бўлган касаллик энг муҳим хавф омилларидан бири ҳисобланади.

Касалликнинг ҳар бир ҳолати бўйича йўқотишларнинг давомийлигини ҳисоблашда ҳар йили касаллик таътилидаги битта ҳолатнинг давомийлиги аёллар учун эркакларникига қараганда кўпроқ бўлганлиги аниқланди.

100 ўқитувчига тўғри келадиган иш йўқотишларини баҳолаганда, биз парадоксал вазиятга дуч келдик: эркакларнинг ВМЛ даражаси жуда паст бўлганида йилига 100 ишчига тўғри келадиган иш йўқотишларининг қиймати 2016-2017 йиллардаги ўртача кўрсаткичдан юқори бўлди ва 2018 йилда ўртача; профессор-ўқитувчилардаги аёлларда бу кўрсаткич, туғруқ таътилидаги асоратларни ҳисобга олган ҳолда, тадқиқотнинг барча йилларида жуда юқори эди (2016 йилда 3119 кунгача).

Ушбу ҳолат, бизнинг фикримизча, узоқ муддатли ва тез-тез стационар даволанишни талаб қиладиган ВМЛ касалликлари таркибида патологиянинг оғир турлари устунлик қилишига боғлиқ.

ВМЛ касаллигини ўрганишда, шунингдек, касалликларнинг частотаси учун ишчилар ёшининг аҳамиятини баҳоладик. Ёши каттароқ эркакларда касалликларнинг частотаси аниқ ошиб боради, барча олий таълим муассасаларида аёлларда бу боғлиқлик аниқланмаган (2-расмга қаранг).



2-расм. ВМЛ билан касалланишнинг ўртача частотаси ТДТУнинг асосий гуруҳидаги эркак ва аёлларнинг ёшига қараб қайд қилинган касалликларнинг умумий сонига нисбати (2014-2018 йй.)

ВМЛ касаллиги билан боғлиқ таълим муассасасида ишлаш тажрибасининг аҳамиятини баҳолаганда, асосий гуруҳдаги эркакларга асосан 30 ва ундан юқори иш стажи бўлган одамларга таъсир қилган-барча рўйхатга олинган беморларнинг 58,8% (назорат-51,5%). Аёлларда ҳам асосий гуруҳларда, ҳам таққослаш гуруҳларида 10 йилгача бўлган иш стажига эга одамлар кўпинча касал бўлган (асосий гуруҳда бу кўрсаткич 32,9%, таққослаш гуруҳида-беморларнинг умумий сонининг 48,2%); Кўп йиллик иш тажрибасига эга аёлларда кам учрайди-фақатгина 10,4% (таққослаш гуруҳи)-касал аёлларнинг 19,7% (асосий гуруҳ) 30 йилдан ортиқ иш тажрибасига эга.

Ўқитувчиларнинг атиги 20-25 фоизи ўткир касалликларда касаллик таътилини олишларини ҳисобга олсак, ВМЛ касаллиги профессор-ўқитувчиларнинг соғлиғини тўлиқ тавсифламаслигини тушунамиз. Бундай характеристикани фақат профессор-ўқитувчиларнинг тўлиқ тиббий кўриги билан олиш мумкин, аммо таълим муассасаларнинг профессор-ўқитувчилари даврий тиббий кўрикларни мажбурий равишда ўтказадиган республика аҳолисининг белгиланган гуруҳига кирмайди.

Амалда, республикадаги олий таълим муассасаларда профессор-ўқитувчиларни бундай тиббий кўриқдан ўтказиш жуда муаммоли, чунки ўқитувчиларга тиббий хизмат уларнинг яшаш жойларида амалга оширилади ва махсус тиббий кўрикларни ташкил этиш қиммат тадбир бўлиб, университетлар бюджетида бунинг учун маблағ йўқ. Бизнинг таклифларимиз асосида ТДТУда талабалар марказий кўп тармоқли поликлиникаси (университет шаҳарчаси) асосида ТДТУ клиникаси ва маъмуриятининг шартномасига биноан ўқитувчилар тиббий кўриқдан ўтказилди. Тиббий кўриқдан ўтиш учун рўйхатга умумий иш стажи 30 йил ва ундан юқори бўлган 158 ўқитувчи киритилди.

Сўров натижаларига кўра биз ўқитувчиларнинг 32 фоизидан кўпроғини деярли соғлом деб ҳисоблаш мумкин эмас деган хулосага келдик. Тиббий кўрик натижалари бундан ҳам тушкунроқ эди. Текширилганларнинг умумий сонидан атиги 20,9% ўқитувчилар деярли соғлом бўлиб чиқди ва баъзи ўқитувчиларда икки ёки ҳатто учта патологияни аниқладик. Аниқланган патологиянинг энг кенг тарқалган тури ҳар хил даражадаги миопия эди (барча аниқланган касалликларнинг 33,3%). Иккинчи ўринда нафас олиш тизимининг касалликлари (18,7%), учинчи ўринда қон айланиш тизимининг касалликлари (16,0%), тўртинчи ўринда суяклар ва бўғимларнинг касалликлари (10,7%).

